

Тил — миллий ғуруримиз

ЎЗЛИГИМИЗ ВА ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

**Қиёмхон АҲМЕДОВ,
Давлат статистика
қўмитаси раисининг
маслаҳатчиси**

Тил — қомус, мадҳия,
байроқ каби миллатнинг
ўзлиги, мавқеи, обрў-
эътиборини белгилайдиган
муҳим воситалардан бири.
У миллий ўзлигимиз ва
мустақил давлатчилигимиз
тимсоли, бебаҳо маънавий
бойлигимиз ҳисобланади.



Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тили тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқ.

Она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ҳамда мавқеини янада ошириш бўйича муҳим ва долзарб вазифалар Президентимизнинг 2019 йилнинг 21 октябрида имзолаган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида аниқ белгилаб берилган.

Жумладан, фармонда давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш, давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш алоҳида қайд этилган.

Давлат тилига амал қилиниши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан ҳамда уни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича таклифлар тайёрлаш, ўзбек тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларини иш-

(мактаб дарсликларининг имловий хатолар билан чоп этилаётгани, кўчалардаги реклама ва эълонлар матнининг ўта кўпол шаклда берилиши, телекўрсатувлар ва радиозшиттиришлардаги шевачилик)дан кўнглим кўп бора хижил бўлган, аммо дардимни кимга айтиб, юрагимни кимга бўшатишни билмаганман. Хайриятки, энди дардингни эшитадиган ташкилот ва унга масъуллар бор.

Бундан буёғига йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш учун ҳамма бирдек ишга киришиши, масъулият билан иш олиб бориши лозим. Баландпарвоз гаплар эмас — ҳақиқат шуки, ўзини шу мамлакатнинг бир фуқароси, шу миллатнинг вакили сифатида ҳис қила билган ҳар бир инсон ўз она тилига бефарқ бўлмаслиги керак. Бунга ҳаққи ҳам йўқ! Фикримиз, ҳадеб ўтмишдаги камчиликлар ҳақида ёзғиришдан кўра, кейинги иш режаларимиз ва унинг қандай натижа бериши ҳақида жиддий ўйлаб кўрайлик.

Она тилимизнинг мавқеини янада тиклаш учун назаримизда, ишни оиладан, боғчадан бошлаш керак бўлади. Таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида ўргатишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бояча, мактабда ўзбек тили фанини ўқитиш, она тилимизнинг ўрни, аҳамиятини ёшлар онгига атрофлича сингдириш борасида янгича ёндашув кераклигини бугунги вазият талаб қилади.

лаб чиқиш бўйича лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, фармонда давлат тилини ривожлантириш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, давлат тилини ривожлантириш бўйича дастурлар ва “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, “Ўзбек тили байрами куни”ни нишонлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш каби қайд этилган вазифалар алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорлик масалалари ҳам таъкидлаб ўтилган.

Бугун гувоҳи бўлиб турганимиздек, мамлакатимизда Президентимиз фармонида кўзда тутилган вазифаларни амалга татбиқ қилиш борасида сезиларли ишлар олиб бориляпти. Дастлабки муҳим қадамлардан бири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилгани ва бу ташкилотни мақсадга аниқ йўналтирилган тарзда иш олиб бораётганини эътироф этиш лозим.

Янги департамент томонидан жойларда ўзбек тилига қандай эътибор берилаётгани ҳақидаги ўрганишлар ҳали бу борада кўплаб амалий ишлар олиб боришимиз кераклигини кўрсатиб берди. Департаментнинг таклифи билан ҳар бир ташкилот раҳбарининг давлат тилида иш юритиш бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилгани тан олиб айтиш лозим, ниҳоятда мақбул иш бўлди.

Жамиятнинг бир аъзоси, ўзбек тили бўйича мутахассис сифатида тилимизга эътиборсизлик, кўплаб соҳалардаги хатоликлар

Барча таълим муассасаларида ўқувчилар, талабалар онгига давлат тилининг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини, миллатнинг кўзгуси эканини сингдириш тўғрисида қайғуриши керак. Айтиш пайтда олий таълим муассасалари ўқув режаларидан жой олган “Ўзбек тилида иш юритиш” амалий машғулотини янада мукамаллаштириш талаб этилади.

Маълумотларга қараганда, дунёда ўзбек тилида сўзлашадиган кишилар сони 50 миллионга яқинлашган. Бу тилимизнинг дунё миқёсида қўлланилиш, фойдаланиш кўлами, нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

Техника ва технология жадаллашган бугунги кунда тилимизни янада кенг миқёсда тарғиб қилиш учун глобал тармоқ — интернетнинг энг оммалашган сайтларида Ўзбекистон, ўзбеклар ҳақидаги янгиликлар, ранг-баранг материалларни жойлаштириш яхши самара беради.

Айниқса, ўзбек тили ва адабиётининг асосчиси Алишер Навоидан тортиб, мумтоз адабиётимиз вакилларидан Заҳридин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муқимий, Фурқат, йигирманчи асрнинг забардаст шоир, ёзувчилари Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулوم, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Шуҳрат, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Худойберди Тўхтабоев, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Шукр Холмирзаев, Тоғай Мурод, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид каби элимиз суйган ижодкорлар асарларидан намуналар бериб борилса, улардан дунёнинг турли минтақаларида яшаётган ўзбеклар баҳраманд бўлади ва айтиш пайтда тилимиз, миллатимизнинг обрў-эътибори, мавқеи янада ортади.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда экан, унинг нуфузи, мавқеини ошириш доимий фаолиятимизга айланмоғи керак.